# QISHLOQ HAYOTI

2003 YIL 12 DEKABR, JUMA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№149 (6.674). Sotuvda erkin narxda


**КЕЧА ТОШКЕНТДА ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ.**

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

***11 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади.***

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет давлатлар элчилари, дипломатик корпус, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

- Мен бугун Олий Мажлисимиз сессияси кун тартибига киритилган муҳим бир масала, яъни ҳукуматимизнинг бошқарувида ўзгариш қилиш масаласи бўйича ўз фикрларимни билдириб, сиз, халқ ноиблари билан маслаҳатлашиб олмоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, яхши англайсиз, азиз дўстлар, биз қандай шиддатли, тез ўзгариб бораётган даврда яшамоқдамиз, деди Президентимиз.





Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган қандай ўта мураккаб ва оғир муаммоларни ечишга тўғри келяпти. Айни вақтда ана шу муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, эл-юртимизнинг эртанги кунини, фаровон ҳаётини таъминлаш вазифалари барчамиздан қандай ҳушёр ва сергак бўлишимизни, масъулиятимиз ва жавобгарлигимизни оширишни талаб қилади.

Бугун ким қаерда, қайси лавозимда ишламасин - қуйи, ўрта ва юқори - барча бўғинларда раҳбарлик лавозимида ўтирган шахслар ҳозирги замон олдимизга қўяётган бундай юксак талабларни ўз мисолида сезаяпти, кўраяпти.

Мамлакатимизда бугун барпо этилган, юқоридан пастгача бўлган ижро тизимини ягона ва яхлит бир система, деб қабул қилсак, бу тизимнинг энг юқори бошқарув поғонаси бўлмиш Ўзбекистон ҳукумати, унинг раҳбари ва аъзолари зиммасига қандай юксак масъулият юкланаётганини англаш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимиз, Ўзбекистонимиз кейинги йилларда нимаики натижа ва ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида ҳукуматимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Лекин, шу билан бирга, биз фақат қўлга киритган ютуқлар билан чегараланмасдан, ўз фаолиятимизга, қўйган қадамларимиз ва эришган марраларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Ва йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларда, ҳаётимизда мавжуд бўлган етишмовчиликларда ҳар қайсимиз ўз масъулиятимизни холисона кўришимиз ва англашимиз зарур, деди Юртбошимиз.

Ана шундай ҳали-бери ечилмаган масалалар ҳақида сўз юритар эканмиз, мени шахсан, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳаси, умуман, қишлоқ ҳаётида бундай муаммоларнинг кўплиги қийнайди. Албатта, бунинг негизида объектив сабаблар бор ва очиғини айтишимиз керак, уларнинг барчасини ечиш учун ҳозирча бизнинг имконият ва салоҳиятимиз етишмай турибди.

Лекин, бир нарсани тан олиш керак: қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, бу ерда яшайдиган, аҳолимизнинг камида 60 фоизини ташкил этадиган одамларнинг муаммоларини, қийинчилик ва етишмовчиликларини ҳал қилиш, қишлоқда ҳаёт даражаси ва маданиятни юксалтириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: биз оғир табиий шароитда, иқлим кескин ўзгариб, сув ресурслари танқис бўлиб, ер унумдорлиги пасайиб бораётган бир вазиятда жуда катта машаққатли меҳнат эвазига ҳосил олишга эришмоқдамиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Табиийки, биз кўпдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини ечиш тўғрисида бош қотирамиз. Агар ўз вақтида шу масалаларни, яъни бозор иқтисодиёти талаб этаётган янгича мулкий муносабатлар, аввало, ерга эгалик ҳиссиётини шакллантириш, ер унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларига кенг йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, умуман қишлоқ хўжалиги тизимини бугунги кун даражасига кўтариш чорасини кўрмас эканмиз, эртага бундан ҳам кўпроқ муаммоларга дучор бўламиз.



Биз раҳбар бўлиб, бу муаммоларнинг кўлами кенгайиб бораётганини пайқамасак, уларга тик қараш ўрнига ўзимизни улардан олиб қочиш кайфиятига берилиб кетсак, бу пировард натижада яхши оқибатга олиб келмайди.

Бу борада охирги вақтда биз қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ муаммоларни ечиш масаласига жуда кўп эътибор бераётганимиз ва шу бўйича муҳим фармон ва қарорларни қабул қилганимиз сизларга яхши маълум.

Бугун мен шу муаммолар қаторида фақатгина бир масалага урғу бермоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Яъни, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шу соҳани бошқарадиган одамларга юксак масъулият билан бирга етарли ваколат ҳам бермасак, ўз-ўзидан аёнки, вазиятни сезиларли даражада ўзгартиришга эриша олмаймиз.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш, қишлоқ муаммоларини ечиш вазифалари ва масъулияти бугунги кунда кўпроқ жойлардаги вилоят ва туман ҳокимларининг зиммасига тушмоқда. Бу ерда нафақат деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехникани юксалтириш, янги-янги технологияларни жорий қилиш масалалари, шу билан бирга, қишлоқда яшайдиган одамларнинг оғирини енгил қилиш, содда қилиб айтганда, қишлоқ аҳолисининг ташвишларини яқиндан билиб, улар билан ҳамдард бўлиб яшаш ана шу вилоят ва туман ҳокимлари, ширкат раҳбарлари зиммасида эканини биз яхши биламиз.

Бу ҳақиқат, лекин шу билан бирга, яна бир ҳақиқат борки, уни ҳам тан олиш керак. Яъни, жойлардан Марказга қўйилаётган талабларнинг вазирликлар, ҳукумат идоралари ва керак бўлса, ҳукуматнинг ўзида ҳал қилиниши жуда кўп ҳолларда қийин кечади ва пайсалга солинади. Лўнда қилиб айтганда, бу масалаларни ечишда Марказда, ҳукуматимизда зарур даражада масъулият етишмайди.

Очиқ эътироф этишимиз лозим - жойлардаги аҳволдан, қишлоқ одамларининг кундалик эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, улар қўядиган масалаларни ечиш бизда қандайдир мавсумий бир одатга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқат бўлади. Яъни, биз қишлоқ ҳаётини асосан кўкламги экиш даврида ва ҳосилни йиғиб олиш пайтида кўпроқ Марказдан туриб кузатамиз ва назорат қиламиз.

Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарурки, қишлоқ хўжалиги билан ҳар куни шуғулланиш керак. Қишлоқ ҳаётида учрайдиган катта ёки кичик масала бўладими, даромад ёки буромад бўладими, уларнинг ичига кириб бориш даркор. Ва бу иш мавсумий тадбирларни эмас, кескин ва қатъий чоралар кўришни талаб қилади, деди мамлакатимиз раҳбари.



Биз яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: қишлоқ хўжалигининг унумдорлиги, унинг самараси, оладиган даромад ва фойдаси нафақат қишлоқда меҳнат қилаётган одамларни таъминлайди, балки, барчамиз яхши тушунамиз, бу соҳанинг таъсири бутун иқтисодиётимизда сезилади ва, керак бўлса, шу соҳага алоқадор бўлган барча-барча тармоқларни иш билан таъминлайди. Бу эса охир-оқибатда бутун иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини белгилайди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, биз кейинги йилларда ҳукуматимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқарадиган Бош вазир ўринбосари лавозимида кўп-кўп одамларни синадик, шу вазифага кўпгина раҳбарлар келиб кетди. Лекин вазият эскича қолмоқда.

Бугун Бош вазир лавозимида ишлаб келаётган Ўткир Тўхтамуродович Султонов бу борада қўлидан келганича ҳаракат қилаётганини ҳам айтишимиз лозим. Бу инсон ўзига юклатилган вазифага нисбатан масъулияти, меҳнатсеварлиги, бошқарувчилик малакаси, одамларга, ён-атрофдагиларга муносабати билан ҳар қандай ҳурматга сазовор.

Лекин, шуни ҳам тан олишимиз керакки, бу раҳбаримизнинг асосан индустрия-саноат соҳасини, авваламбор, юртимизда жойлашган катта-катта корхоналарнинг ишини ташкил қилишда кўпроқ тажрибаси бор. Қишлоқ хўжалиги соҳаси, қишлоқ муаммолари, уларни ўз вақтида узоқни кўзлаб ҳал қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Биз юқорида зикр этилган муаммоларни атрофлича кўриб чиқиб, бамаслаҳат бир хулосага келдик: Султоновни Бош вазир муовини лавозимига, яъни бугунги ҳукуматимиздаги иш тақсимоти бўйича машинасозлик, металлургия, химия, энергетика, нефть ва газ, геология ва шу каби тармоқларни бошқарадиган раҳбарлик вазифасига ўтказишга келишиб олдик.

Бош вазир лавозимига эса кўп ўйлаб, мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда, аввало, ҳудудларимиздаги шароитни яхши биладиган, шу жойларда ишлаётган одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-интилишларидан хабардор бўлган, буларнинг барчасини ўз тажрибаси, ўз ҳаётидан ўтказган одамни тайинлаш маъқул, деган хулосага келдик.

Куни кеча Олий Мажлис Кенгаши ва шу масалага алоқадор бўлган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини таклиф этишга қарор қилдик, деди Президентимиз.

Бу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 93- ва 98-моддаларига биноан 2004 йилнинг декабрида Олий Мажлисимизга бўлиб ўтадиган янги сайловлардан кейин ҳозирги вақтда Президент раҳбарлик қилаётган Вазирлар Маҳкамасини бошқариш вазифаси Бош вазир зиммасига юкланади.

Бундай ўзгаришлар жараёни ўз навбатида ҳукумат аъзоларига ҳам ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Шу боис ҳукумат бу вазифаларни самарали адо этиш учун ҳозирлик кўриши ва ўз масъулияти, ўз жавобгарлигини оширишга тайёр бўлиб туриши даркор.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

**Ш.М.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисида**

Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь

***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

**Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўткир Тўхтамуродович Султонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин ҳамда унга машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик заҳиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь

***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

**Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида**

Ўткир Тўхтамуродович Султонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь

# ДАРЁГА АЙЛАНАЁТГАН ИРМОҚЛАР

**ФАХР**

***2000 йилги Сидней олимпиадаси мусобақалари давом этаётган кунларда кўплаб ёш ота-оналар туғилган фарзандларига Муҳаммадқодир, дея исм қўйишди. Негаки, андижонлик машҳур боксчи ўша вақтда мамлакатимиз тарихида биринчи марта олимпиада чемпиони бўлган эди-да. Ҳа, Муҳаммадқодир Абдуллаев миллион-миллион мухлисларни ҳамиша ўзига ром этадиган боксда ўз вазни тоифасида дунёни лол қолдирди. Ана шундай ўзбек ўғлонига ким ҳам ҳавас қилмайди, дейсиз?***

Ўша йили андижонлик боксчилар учун омад кулиб боқди. Муҳаммадқодир билан ёнма-ён Сергей Михайлов рингга чиқиб бронза медали соҳиби бўлди. Олимпиадада Руслан Чагаев, Ўткир Ҳайдаров ва Тўлқин Турғуновлар ҳам иштирок этишиб, дунё спортида ўзбекнинг ҳам ўз ўрни борлигини кўрсатишди.

Андижонлик тўрт ўғлоннинг спорт оламида "ярқ" этиб кўриниши ўзбек боксининг илдизлари чуқур ва бақувватлигини кўрсатади. Андижонликлар бунга асос солган Валентин Золоторёвни жуда қадрлашади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, 2-даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби бўлмиш Валентин Антонович 57 йилдирки, болалар билан ишлайди. Унинг қўл остида бокс сирларини ўрганган кишилар эндиликда устоз билан ёнма-ён туришиб, Андижон бокси анъаналарини давом эттириш йўлида фидойилик кўрсатаяпти.

(Давоми 4-бетда)


Сиз «қишлоқ ҳаёти» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144


# ЎҚИТУВЧИНИНГ МАОШИ ҚАНИ?

**ТААССУФ**

***Бугунги кунда аксарият жойларда ўқитувчилар ойлик иш ҳақини нега вақтида олишолмаяпти? Муаммонинг "совуғи-ю иссиғи" билан боғлиқ сабаблар нималардан иборат? Мавзуни атрофлича ўрганиш учун Шўрчи тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Турсунали Маматхоновга учрашдик.***

"Мактабларга бормоқчи эдик", десак, ҳоким ўринбосари бизга жуда ғалати қаради. Гўё қаёққадир шошаётгандай бизнинг талабимизни эътиборга ҳам олмади. Илгари Турсунали ака бош врачлик пайтида анча маданиятли раҳбар эдики, рости қойил қолганмиз. Бу сафар эса унинг ўзини тутишию, муносабатидан ҳайрон бўлдик.

Туман халқ таълими бўлимига йўл олдик. У ерда эса бир гуруҳ аёл ўқитувчиларнинг совуқ нигоҳига дуч келдик. Ҳаммалари безовта. Юзлари хомуш, хафа... Куйиниб-куйиниб, "Ойлигимизни нега беришмайди?" дейишди. Улар 10-12 нафар. Барчалари тумандаги 30-сонли Нормат Маматалиев номли ўрта мактабида дарс беришар экан. Муаллимларни суҳбатга тортамиз.

-Бизнинг ҳам дардимизни эшитадиган раҳбар бормикин? – дейди бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Тошматова. – Олти ой бўлаяпти, маош олганим йўқ. Ўзингиз айтинг, мен қандай қилиб болаларимни боқаман? Абраҳмат ака Шайдуллаев мактабимиз директори. Ҳамма ўқитувчилар унинг хонасига кирдик. "Ойлигимизни беринг", десак, "Накд пул йўқ. Ойликларингни беролмайман. Қаерга бориб "дод" десанглар деяверинглар", деди.

Суҳбатимизга Ҳамида Дубарова қўшилади:

-Айтсам ишонмайсиз. Бугун ишга битта дугонамнинг кийимини кийиб келдим. Ойлик беришмаса, нима қилай, а, нима қилай? – бақиргандан бери бўлади.

(Давоми 2-бетда)

**ЭЙ, УМРИ АЗИЗ**

# ҚЎШНИЛАР

***Қосим ака даладан юз-кўзлари чанг, ҳориб-чарчаб, оёғини зўрға судраб келганида остонадаёқ хотини "суюнчи" олди:***

-Қўшнийиз пойдеворини биз томонга ўтказиб девор уряпти! Шунча йил қўшничилик қилиб юзингизни қилмагани, менсимагани-да, бу!

-Қайси бири?

-Шокир-да! – бидиллашда давом этди хотини. – Яна ҳожи эмиш бу!

-Сенсирама, ёши катта одамни.

-Ёши катта бўлмай ўлсин, илоҳим бизникидан қўшиб олган ери буюрмасин!

-Жағингни ёп, ўпкангни чўпга илмай тур-чи! – хотинининг ҳовурини босмоқчи бўлди Қосим ака, - унчаликка бормагандир.

-Ишонмасангиз, ўтиб кўринг! – дея ҳовли томонни кўрсатди хотини.

Қосим аканинг пешайвондаги сўрига ўтириб нафас ростлаб бир пиёлагина совиган чой ичишга юраги эзилиб турган бўлса-да, хотинининг шаштидан ҳайиқиб ҳовли тарафга юрди.

Кун тўкилиб, тун тутилаётган маҳал. Ҳаво дим, бу ҳам етмаганидек томорқадаги сувсираган маккажўхорилар худди ҳансираб, ўзидан қайноқ ҳаво чиқараётганга ўхшайди. Қосим аканинг ортидан вайсаганча хотини эргашди. Шу зайлда томорқанинг қўшни билан туташ жойига келишди. Ўртада анча йиллардан бери номига чегара бўлиб турган эски чавардан ном-нишон ҳам қолмаган эди. Ўрнига узун қилиб пойдевор тахталари ўрнатиб қўйилибди.

(Давоми 4-бетда)

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

Энг муҳими, аввало, иш услубларини ўзгартириш ва замон талабларига мослаштириш, демократик андозаларга риоя қилиш, тез ўзгариб бораётган ҳаёт суръатларига муносиб бўлиш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимиз ишончини қозониш учун ҳукуматимиз бор куч ва тажрибасини, бутун борлиғини сафарбар қилиши керак.

Бугун сессиямиз кун тартибига қўйилган мана шу масала бўйича, яъни ҳукуматимизнинг Бош вазирини тайинлаш тўғрисидаги Президент Фармонини қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари сўзининг охирида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифини Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Пахта-банк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ўз чиқишларида қўллаб-қувватлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ў.Султоновни Бош вазир ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг келгуси йил учун асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Қўрғонтепа тумани ҳокими М.Қосимов, Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси директори Ў.Саиджонов, Наманган вилоятидаги «Осиё» агрофирмаси бош директори Н.Қурбонбоев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзбекинвест» миллий



компанияси Фарғона вилояти бўлими директори А.Мўминов, «Андижондонмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси раиси Б.Жалолов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, «Ўзмахсуссувдренаж» уюшмаси бошқаруви кенгаши раиси Б.Мамадалиев қатнашди.

Парламент «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонунни маъқуллади ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Тошкент шаҳридаги «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмуҳамедова, Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, Хатирчи туманидаги Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаххоров иштирок этди.

Депутатлар янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиевнинг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳасига оид маърузаси билан бошланди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида «Бухоро-турист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, «Фарғонанефттехкимёмонтаж» масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Р.Жалилов, Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров иштирок этди. Парламент «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик тақдим этди. Тошкент давлат аграр университетининг «Ахборот технологиялари» кафедраси мудири А.Абдураҳимов, «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Абдуллаев, Поп тумани ҳокими Р.Исматуллаев, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Каттаева чиқишларидан сўнг депутатлар «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиев «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Бухоро шаҳри ҳокими К.Камолов, «Ўзқишлоқмаш-холдинг» компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, Шаҳрихон туманидаги Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси У.Бозорбоев, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Хоразм вилоят уюшмаси раҳбари Г.Ибодуллаева, «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 12 декабрда ўз ишини давом эттиради.

**СУРАТЛАРДА: сессиядан лавҳалар.**

***

А.ТЎРАЕВ (ЎзА),
Б.АКРАМОВ («Қишлоқ ҳаёти») олган суратлар.

# МАРДУМИ КОРМИ, МАРДУМИ ХОР?..

ТУРМУШ

***...Нодирнинг бу нафратомуз сўзлари шундоқ ҳам ҳаётдан минбаъд совуган кўнглимни баттар азоблади. Наҳотки?.. Наҳотки, беш йиллик севгим ҳам Исроилда ўтган беш ойлик умрим, деб хазонга айланса? Аслида ҳамма айб ўзимда. Мол-дунёни севгидан устун қўйиб хорижга ишлашга кетдим. Исроилга бормай, Нодир билан турмуш қуришим керак эди. Бу борада у қанча ялинган ҳам эди. Афсус, минг афсус...***

Отам ўлгач, онам иккимиз бироз гангиб қолдик. Марҳумнинг ҳаққига қилинадиган барча маросимларни ўтказгач, оилада иқтисодий танглик юз берди. Онамнинг нафақаси, менинг котибаликдан олаётган маошим эса иккимиз учун урвоқ ҳам бўлмасди. Хуллас, ана шундай аянчли дамда дугонам – Наргиза холаси билан таништирди. У киши ўзини Исроилдаги аллақайси фирманинг Ўзбекистондаги вакили, деб таништирди. Мен каби ишлаб пул топишни хоҳлайдиган қизлар ва аёллардан ўн нафарини тўплаб, Исроилга юбориши кераклигини айтди. "У ёқда официантлик вазифасини бажарасизлар, ойлик маош эса долларда тўланади", деб ваъда берди.

Орадан бир ой ўтгач, ўша аёл мен каби тўрт қиз, олти жувонга ҳужжат тўғирлаб, Исроилга олиб жўнади. Мен билан келган қиз-жувонларнинг ҳаммаси ҳусну малоҳатда ўзига яраша эди. Бу ҳолат бошда ҳеч кимни шубҳалантирмади. Лекин, эртаси куни... Ҳаммаси етиб келганимизнинг эртасидан бошланди. Бизни олиб келган аёл – Наргизанинг холаси ҳужжатларимизни йиғиб олиб, биз келиб тушган ҳовлининг хўжасига топширди. Бизга эса "Бу зарурат юзасидан. Сизлар кўнглингизни чўктирмай, бу киши нима деса бажаравeрингизлар. Мен эса Ўзбекистонга қайтаман. Сизлар билан олти ойдан сўнг кўришамиз", деб жуфтакни ростлаб қолди. Биз секин-секин қаерга келганимизни тушунгандек бўла бошладик. Биз турган жой катта-катта амалдорларнинг ишратхонаси экан. Бошда мен каби бокира қизлару аёллар уларнинг айтганига кўнмадик. Шунда улар бизни оч қолдириб, азоблай бошлашди. Улар бизларни олти ойга сотиб олганликларини айтиб дағдаға қилардилар. Агар кўнмасак, очдан ўлиб кетишимизни ҳам қистириб ўтардилар. Очликдан силласи қурий бошлаган аёллар бирин-кетин таслим бўлишди. Орадан бироз фурсат ўтгач, очлик, таёқ зўридан биз ҳам тақдирга тан беришдан ўзга чора тополмадик.

Шу алфозда орадан тўрт ойча вақт ўтди. Уларни билмадиму, менинг хаёлимдан доим бу жаҳаннам азобидан қандай қилиб бўлса ҳам қочиш кетмасди. Кўз олдимдан отамдан айрилиб, гавдаси букчайиб қолган онам, бир парча бўлса-да, нон топиб еган ватаним кетмасди. Ўша лаҳзаларда борига қаноат қилиб яшамаганим учун ўзимни қанча ҳақоратласам, ҳатто ўлдирсам ҳам оз эди. Ахийри, қочишга бўлган уринишларим самарасини берди. Ҳаётдан безиб кетган кўнглим, қолаверса, келадиган айрим доимий "мижоз"ларга бўлган бефарқлигим хўжамнинг асабини бузди. Мени алоҳида бир хонага қулфлаб қўйишди. Мен эса бундай вазиятдан фойдаланиб, учинчи қаватнинг деразасидан латта-путталардан қилинган арқон ёрдамида тушиб қочдим.

Қочаяпману, тутиб олишса, ўлишимни билиб, элчихонага боришга аҳд қилдим. Ҳужжатларсиз амаллаб элчихонани топиб бордим. Элчихонани топиб боргунча яна бир нечтанинг кўнглини овлашга мажбур бўлдим. У ердаги баъзи бир яхши одамларнинг ёрдамида Ўзбекистонга қайтишга мушарраф бўлдим. Тошкент тайёрагоҳига келиб тушгач, ўз ватанимга тирик қайтиб келганимга бир йиғласам, онамнинг, кўнгил қўйган йигитимнинг кўзига қандай қарайман, деб бир йиғлайман. Уйга келиб онамга кўзим тушгач, шундай дод солиб йиғладимки, онам бечора ўзини йўқотиб қўяёзди. Кейин эса... Кейин эса унга ҳаммасини айтиб бердим. Онам ҳам шум тақдирни лаънатлаб роса йиғлади. Менинг келганимни эшитган ёру биродарлар, қўни-қўшнилар чиқишди. Юзимнинг шувутлигини улар қаёқдан ҳам билишсин. Энди нима қилмоқ керак?

Шундай кунларнинг бирида Нодир телефон қилиб қолди. Гаплашдик. Учрашдик. Унга бор гапни айтишга жазм қилдим. Аввал, Нодирнинг кўзлари пир-пир учди. Сўнг эса шундай сўзларни айтдики, мен ўша тупроқларда ўлиб кетмаганимга афсусландим. Борига қаноат қилиб шу ерда яшамаганимга ўз-ўзимни лаънатладим. Аммо, энди бу лаънатлар фойдасиз эди.

Бизни алдаб, қалбаки ҳужжатлар билан хорижга чиқарган дугонамнинг холаси ҳозир озодликдан маҳрум этилган. У-ку, жазосини олди, лекин мен каби қизлар бир умрлик бахтимиздан жудо бўлдик. Аслида бу ҳолга тушишимизга ишонувчанлигимиз, борига шукр қилмаслигимиз сабаб эди. Хуллас... билмайин босдим тиконни, тортаяпман жабрини.

**Дилафрўзнинг сўзларини оққа кўчирувчи:
Бобомурод ОДИЛОВ.**




## УЙЛАНТИРОЛМАЙ ОВОРА...

***Тошмир ўғли Нурбойни уйлантиролмай сарсон. Совчи қўймаган жойи қолмади. Ҳаммаси йўқ дейишди. Бири "Қизимизнинг севгани бор экан" деса, бири "Бобоси кўнмади", деб қайтарди.***

Лекин Тошмир яхши билади. "Улар, ароқ кўп ичганим учун қизларини келинликка беришмаяпти". Ўғли ҳам ичишни бошлаган. Ҳали бор-йўғи 18-19 ёшда. У гоҳо куюнади: "Нурбой ҳам лапашанг-да, бирон қизни маҳкамроқ суймайдими..."

Югур-югур билан икки йил ўтди. Келин топилмади. Ўғли эса "Тезроқ уйлантиринг", дейди. Қўшниси Хуррам ака маслаҳат берди:

-Акангда жуда оқила, иболи қиз бор. Коллежни тугатган. Ўзи ҳамшира. Аканг-ку, йўқ, демас...

Тошмир акасиникига жўнади. Бироқ акаси жуда художўй, инсофли, обрўли, "ичади"ганларни ёмон кўрадиган одам. Борди. Иззатига етди. Палов қилди. Тошмир дардини айтди. Акаси анча жим қолди. Сўнг сўради:

-Ароқни ташладингми?

-Ҳа... - деди секингина Тошмир.

-Намоз ўқияпсанми?

-Ҳмм, - деди эшитилар-эшитилмас.

Акаси бир пайт намозга турди. Тошмир ҳам гарангсиб намозга чоғланди. Акасига қўшилиб аллатовур бўлиб намоз ўқиган киши бўлди. Намоз тугади. Акаси аччиғи келиб, Тошмирга қаттиқ тикилди:

-Раббинг ким? А-а, раббинг ким?

Тошмир тушунмади. Акасига қаради:

-Раббим?! Раббим... Ҳа-а... Ҳм... гаражда сваркачи Раббимни айтаяпсизми?..

Бўлмади. Акаси мутлақо кўнмади. Тошмир ароқни ташлаёлмай овора, ўғли уйланолмай...

## ЎҒРИНИ ТОПДИ

***Ширкат хўжалигининг катта лимонарийси. Бир тоннадан ошириб лимон беради. 12 киши ишлайди. Муҳаммадихон бошлиқ. Ногаҳон лимонарийдан ҳар бири 2 метрлик 7 та темир қувур йўқолди. Оғирлиги 9-10 килограмм. Бир киши бемалол олиб кета олади. Хўш, ўғри ким? Қаёққа олиб кетган? Ўғрини қандай топса бўлади?***

Муҳаммадихон жуда синчков. Ҳамма томонни қараб чиқди. Бу ерда барча ковуш кияди. Битта Қураш ака – резина этик. "Э-э, мана резина этикнинг изи!" Қураш аканинг елкасида адрас чопон йиртиқ, пахтаси чиқиб қолган. "А-ҳа-а, йўлда чакамуғларда адрас чопон пахтаси илиниб қолган. Елкасида темир қувурнинг сариқ занги...". Бошлиқ таваккал қилди. Қураш акани четроққа етаклади. Секин ҳийла ишлатди:

-Темир трубани олган ўғрини топдим, - деди Муҳаммадихон.

Қураш ака безовталанди. Бошлиқ давом этди:

-Адрас чопони бор. Резина этик кийган. Қарашлари бежо, ўрта бўйли, калта қора соқоли бор. Елкасида трубанинг занги қолган, мана, сиз ўғирлагансиз...

Қураш ака бирдан "портлади":

-Ёппирим, ёппирим, қайтиб билдингиз?.. Билмайсиз деппан... Ҳеч кимга айтманг, ҳаммасини обкеб бераман. Ҳеч кимга айтманг...

Кўп йиллар ўтди. Қураш ака ҳамон ҳайрон: "Муҳаммадихон қайтиб билди экан?.."

**М. МУРОДОВ**

## «СИЗНИ ЭМАС, ИЛОННИ...»

***Илгари касб-ҳунар билим юртлари бўларди. Тақдир тақозоси билан каминага ҳам Оқдарёдаги "училище"да тўрт йил ишлаш насиб этганди.***

Кийим-кечак омбори мудири Собир ака гарчанд анча қорувли бўлса-да, табиатан юмшоқ, гаплари ва баъзи ҳаракатлари билан ўзгаларни доимо кулдириб юрадиган, аммо битта камчилиги – илондан, ҳатто унинг китоблардаги расмидан ҳам ниҳоятда қўрқадиган одам эди. Буни ҳамма, ҳатто билим юртининг директори Эшқобил Эгамбердиев ҳам биларди.

Бир куни Эшқобил аканинг қўлига ярим метрлар чамаси ола-була арқон тушиб қолди. "Илонга ўхшарканми?" деди кимдир. Бирдан директорнинг миясига бир шумлик келиб, арқоннинг учини тугди-да, бош ҳисобчи иккаламизни кийим-кечак омбори томон бошлади. Собир ака алланималарни ёзиб ўтирарди. Бизни кўриб, ўрнидан ирғиб турди. Омборхона нимқоронғи, тор, шу боис кийим-кечаклар шифтгача устма-уст тахлаб, босилганди.

-Собир, ҳув анави нима эди? – деди директор шифтга қадалиб турган материал томон ишора қилиб.

-Одеял, - жавоб берди мудир.

-Қани ол-чи, бир кўрайлик, қанақа экан.

Собир ака "хўп бўлади", деб тўрт оёқли темир шотига чиқа бошлади. Шифтга етай деганда, Эшқобил ака қўйнидаги ҳалиги арқонни отиб юборди. Арқон "шалоп" этиб, Собир аканинг елкасига тушди. Жон-пони чиқиб кетаёзган мудир шотига қўшилиб, полга гурсиллаб йиқилди. Сўнгра бошини директорга буриб: "Ҳе, онангни..." дея сўкиб юборганини ўзиям билмай қолди. Эшқобил ака ҳам гавдали киши эмасми, юзини важоҳатли буриштириб, "Кимни сўкаяпсан?" деб бақирди. Собир ака зум ўтмай ўзини ўнглаб, "Сизни эмас, илонни сўкаяпман, илонни", деди чўзиқ овозда дилдираб.

**Мақсуд АКРАМОВ**

ЖАРАЁН

## СИРДАРЁ МАКТАБЛАРИГА ГРАНТЛАР

***Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ва Япония ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик доирасида таълим соҳасида беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича грант шартномаларини имзолаш маросими ўтказилди.***

Салкам 174 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ Сирдарё вилоятидаги тўртта мактабни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга сарфланади.

-Бугунги тадбирнинг эътиборли жиҳати шуки, кичик миқёсдаги грантлар биринчи марта Сирдарё вилояти таълим муассасаларига берилмоқда, деди Японияниянг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато .

Элчининг таъкидлашича, мазкур лойиҳани амалга ошириш ғояси вилоят раҳбарияти билан учрашувдан кейин туғилди. Лойиҳаларни амалга оширишда хорижий ҳомийларнинг кўмаги зарур бўлади. Осиё тараққиёт банки Сирдарёда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича лойиҳани рўёбга чиқаришни мўлжалламоқда. Япония ҳам бир четда турмай , вилоя равнақига ўз ҳиссасини қўшади.

Япония элчихонасининг учинчи котиби Хаяси Томоюкининг маълум қилишича, кунчиқар мамлакат ҳукумати Ўзбекистонга 1995 йилдан бошлаб кичик миқёсдаги грантларни ажратиб келмоқда.

**"Туркистон-пресс"**




**Асака тумани Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам маҳаллалар тобора чирой очиб бормоқда.**

**Қоратепада 3800 хонадон бўлиб, мактаб, боғча, лицей ва 4 та маҳалла гузари мавжуд. Жорий йилда Курама, Ғангиюз, Бозорбоши ҳамда Қотоғон маҳаллаларида газ таъминоти тўла йўлга қўйилди.**

**СУРАТДА: Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ориф Турғунов маҳалла фаоллари билан суҳбатда.**

Х.АРАББОЕВ олган сурат.

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## "СУВНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?"

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг шу йил 6 ноябр сонида ана шу сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилган эди.***

Яқинда ушбу мақола юзасидан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:

"Қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви таъминоти даражасини ошириш борасида вилоят ҳокимлиги томонидан 2003-2009 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Мазкур Дастурга асосан ҳудудларда янги сув қувурлари ва иншоотларни қуриш ҳамда қўшимча ичимлик сув манбаларини яратиш ҳисобига навбатма-навбат аҳоли яшаш жойларини, шу жумладан, чекка қишлоқларни ичимлик суви билан 100 фоизга таъминлашга эришилади.

2004 йилда вилоятнинг 53 та қишлоқ аҳоли яшаш жойлари ичимлик суви билан таъминланиб, 154,5 км узунликда сув қувурлари қурилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга вилоятдаги мавжуд сув қувурларидан самарали фойдаланиш, бу борада ноқонуний истеъмолга чек қўйиш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳудудлардаги хўжаликлар ва корхоналар ҳисобида бўлган сув иншоотлари ва қувурлари улар томонидан таъмирланиб, "Сувоқава" ишлаб чиқариш бошқармаси балансига ўтказилмоқда. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида махсус гуруҳлар тузилган бўлиб, улар томонидан мунтазам рейдлар ўтказилмоқда ва қувурга ноқонуний уланиш ҳолатларига чек қўйилмоқда.

Мазкур ишлар ижроси вилоят ҳокимлиги томонидан доимий назоратга олинган.

**Ф. АТОЕВ,
Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари".**

# БУРЧИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

АКС-САДО

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасида журналист Абдураззоқ Каримовнинг "Жароҳат" номли мақоласини ўқидиму, ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда баъзиларнинг она табиатга, атроф муҳитга бўлган муносабати нақадар аянчли тусга кириб бораётганини ҳис қилдим.***

Мақолада жойларда хазонларнинг ёқиб юборилаётгани, натижада биз нафас олаётган ҳаво заҳарли тутунлар билан булғанаётгани ҳақида сўз юритилади. Борлиққа, ўзи яшаб турган муҳитга била туриб кўр-кўрона муносабатда бўлиш бу ўзини-ўзи чоҳ ёқасига етаклаб бориш билан баробар эмасми? Балки бундай муносабатнинг оқибатини ўша қонунбузарларнинг кўпчилиги тушуниб етмас. Нима бўлганда ҳам она заминга муҳаббат туйғуси ҳар бир инсоннинг виждонида илдиз отиши керак экан. Қачонки инсоннинг шуурига табиат билан одамзотнинг тақдири эт ва тирноқ эканлиги, она заминнинг ҳалокати инсоннинг ҳам ҳалокати бўлиши мумкинлиги гўдаклигидан чуқур сингдирилса, улғайгач у бундай номаъқулчиликларга қўл урмайди.

Баъзан атрофимдагиларнинг хатти-ҳаракатини кузата туриб, кўринишидан туппа-тузук инсонларнинг қилаётган ишидан асабларим таранг бўлади, ёнида ахлат қутиси турса ҳам писта пўчоғини ерга ирғитади. Топ-тоза сувга ифлос нарсаларни тап тортмай ташлайверади.

Бир куни университетда немис тили ўқитувчимиз гапириб қолди. Германиянинг Нюренберг шаҳрида бўлганида шундай манзарага дуч келибди. Бункер машиналар шаҳарни айланиб ҳаводаги чанг-ғуборни насослар ёрдамида сўриб юрган экан. Чангларни яхшилаб тортиш учун дов-дарахтлар олдида кўпроқ тўхтаб туроркан. Биз бу гапларни эшитиб немис халқининг экологияга бўлган муносабатига қойил қолдик. Уларда экологик маданият онгли равишда амалга оширилади, дейди устозимиз.

Дўконлардан устига ёзилган махсус пакетлар сотиб олишиб, чиқиндиларининг турига қараб уларга жойлар эканлар-да, сўнг ахлат яшигига ташлашар экан. Ана сизга саришталиг-у озодаликка эътибор.

Бизда ҳам ана шундай инсонлар йўқ эмас. Маҳалламизда Кароматхон деган ая яшайди. Дарвозасидан ичкарига қадам қўйишингиз билан у ердаги манзарадан баҳри дилингиз очилиб кетади. Ўзингизни худди жаннат боғларида юргандек сезасиз. Негаки аянинг ҳовлиси турли-туман гўзал гулларга бурканган. Бунинг устига ҳовли ёқ тушса ялагудек, гулларнинг орасида бирорта бегона ўтга кўзингиз тушмайди. Қани энди юртимизнинг ҳар бир қаричи Кароматхон аянинг ҳовлисидек гуллаб-яшнаган, файзли ва обод бўлса.

Айтмоқчи бўлганим, барча инсонлар борлиққа, ўзи яшаётган, ўзи нафас олаётган, ўзи униб-ўсаётган маконга Ватанни, она тупроқни муқаддас деб биладиган немис миллати сингари покизаликни сақласа, тартибни иймон каби улуғлайдиган Кароматхон аялардек муносабатда бўлса, балки бугун биз қўлимизга қалам олиб, бу мавзуни долзарб даражага кўтармас эдик.

**Нигора ТЎХТАМАТОВА**

# ЎҚИТУВЧИНИНГ МАОШИ ҚАНИ?

(Боши 1-бетда)

Мақсадой Олимова ҳам оловланиб турган экан, ўзини тўхтатолмади.

-Асли Сариосиёданман. Яқинда онам вафот этди... Фарзандиман ахир, фотиҳасига борай дейман. Аммо... – йиғлаб юборди у.

Муаллималарнинг бири қўйиб-бири гапиришарди. Наҳотки, 5-6 ойдан бери "ойлик"ларини олишмаган бўлса? Ким айбдор, калаванинг учи қаерда? Бу иложсизликми, инсофсизликми?

30-мактаб ўқитувчилари туман халқ таълими бўлими мудири Суюн Мавлоновга юракларини "тўкишди". Мудирнинг жавоби эса аниқ ва қисқа бўлди: "Нақд пул йўқ, келса ойликларингни оласизлар. Қаёққа мурожаат қилсаларинг ҳам бефойда. Овора бўласизлар, чунки бир сизларнинг мактабларингизда эмас, ҳамма ерда шу аҳвол".

Халқ таълими бўлими мудири бизга ҳам аҳволнинг ўта оғирлигини айтди:

-Туман мактабларининг ўқитувчилари қарийб 6 ойдан бери ойлик иш ҳақларини олишган эмас. Шикоятлар кундан-кунга кўпайяпти. Олтинсойда масала ниҳоятда оғир. Иложини қилолмаяпмиз. Ҳисобимизда етарли маблағ турибди, аммо нақд пул муаммо. Маошга деб жуда оз пул келади. Ҳамма мактабга адолатли бўлаяпмиз. Ўқитувчиларимизга жуда қийин. Мен нима қилай?!

Халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Содиқ Турдиевнинг айтишича, "ўқитувчиларнинг иш ҳақидан қарздорлик 192 миллион сўмдан ошиб кетган, муаллимлар июл ойидан бери ойлик олишмабди. "Пахта Банк" ўз мажбуриятларини бажаролмаяпти. Хат билан мурожаат қилдик, банкирлар жим. Ёзма жавоб беришмади. Илҳом Холмуродов деган банк бошлиғи бор. "Нақд пул бўлмаса, туғайми?", дегандай муносабатда бўлади. Туман ҳокимиятига ҳам хат билан мурожаат этдик. Ҳамон жавоб йўқ. Тўғри, ҳали прокуратурага, судга мурожаат қилмадик", дейди бош ҳисобчи ҳам куйиниб.

9-мактабни кўрдик. Мактаб биноси ғоят чиройли таъмирланган. Синфхоналар иссиқ,шинам ва ёруғ. Бироқ, айрим ҳолатлар бизни ажаблантирди. Туман марказидаги энг зўр ҳисобланган бу мактабда спорт зали йўқ. Футбол ўйингоҳи мавжуд эмас. Волейбол майдонида тўр қўйилмаган. Мактаб директори Дамин Мирзаев дамини ичига ютгандек, паст овозда "Тўғрисини ўзингиз учун айтаман, тағин ёзиб юрманг, ўқитувчиларимиз июндан буёғига ойлик ололмаяпти.Ишга муносабати совуб кетган. Илтимос, нимани сўрасангиз сўранг, фақат иш ҳақи олмаётганимиздан сўраманг", дейди. Ўқитувчилар Б.Сафаров ва Г.Турдиалиевани суҳбатга тортсак, улар мактабдаги аъло шароитдан, ўтказилаётган тадбирлардан жўшиб сўзлайдилару, ойлик масаласида эса лол бўлиб қолишди. Бу ҳақда бир оғиз ҳам гапиришни хоҳламадилар.

Кези келганда айтсак, ўринли бўлар, мактаб ёнидаги ифлос чиқиндилар уюмини кўриб, ранжидик. Маош йўқлигига жавобан атайлаб қилингандай. Балчиғ-у ифлосликлар, чиқинди-ю ахлатлар "тоғ" бўлиб ётибди. Бу манзара туман ҳокимияти биносидан қаралса ҳам бемалол кўринади. Ораси ҳам узоқ эмас. Дамин Мирзаевнинг таъкидлашича, бу масалани ҳокимиятга айтавериб, чарчаган.

Шўрчидан қайтаётиб, "Дамас"га ўтирдик. Йўловчилардан иккитаси ўқитувчи экан. Ҳар бири Деновдан 40 литрдан пахта ёғи олиб келаяпти. "Литрини 950 сўмдан олдик, қишлоғимизга олиб бориб, 1200-1300 сўмдан сотамиз. Мактабимиз 6 ойдан бери иш ҳақимизни бермаган, кунимизни мой сотиб кўряпмиз. Мактабда ҳам номига бўлса-да кўриниб турибмиз. Солиқчилар шу ўқитувчиларга индашмаса-да", дейишди улар.

Нақд пул йўқ, дейишади. Гўё бунинг учун ҳеч ким айбдор эмас. Хўш, унда муаллимларнинг маоши қани?

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҚАВС – ҚИШ БОШИ

**ИҚЛИМ**

***Вақт деганлари шунчалик югурикки, унинг олдида барча бирдек ожиз. У ҳеч кимга шафқат қилмайди, ҳатто ҳисоблашмайди ҳам. Фақатгина фурсат ғанимат эканлигини ёдга солиб қўяди, холос... Мана, вақт чархпалаги айланиб, куз ҳам якунланди. Ғалвир сувдан кўтарилди. Кимдир ютди, кимдир ютқазди.***

Қишнинг илк ойи Қавс саналади. Шу кунларда тоғлар ва



тоғ олди ҳудудларга қор тушди. Бу қавснинг кирганидан дарак. Бу ойда ҳам ақрабдагидек, тун узайиши давом этади.

Қавс – ўн икки буржнинг тўққизинчиси. У осмоннинг жанубий ярим шарида Бургут, Қалқон, Илон-элтувчи, Ақраб, Жанубий Тож ва Жаъдий юлдузлар туркумлари оралиғида жойлашган. Юртимиз ҳудудларида Қавс туркумидаги юлдузларни баҳор фаслининг охири ва ёз кунларида кузатиш мумкин.

Қавс ойига келиб ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи ҳам аста-секин ўзгаради. Улар қишнинг дастлабки кунларини турлича кутиб олади. Масалан, қушлар гала-гала бўлиб тўпланишса, тоғлардаги ҳайвонлар қуйи ҳудудларга тушади. Қиш уйқусига ётадиган ҳайвонлар эса иссиқ кунларга қадар уйқуга кетади.

Манбаларда келтирилишича, қор йиртқичларни кўзғаб қўяркан. Ўша кезларда улар ўлжа излаб йўлга чиқади ва табиийки, из қолдиради. Шу тариқа ҳар бир тўда ўз чегараларига "белги" қўяди. Қавсга келиб бўри, тулки, тўқай мушуги, сувсар ва бошқа жониворларнинг мўйнаси кўркамлашади. Қалин ва пишиқ, ўзига хос жозибага киради. Шу боис овчилар айнан мана шу ойда ов қиладилар.

-Масаланинг нозик томони шундаки, йиртқич ҳайвонларнинг "никоҳ" даври қавс ойига тўғри келади, - дейди мутахассис Акмал Исматов. – Шунинг учун бу ойда қилинган ов ҳайвонлар бош сонига зарар етказиши мумкин. "Никоҳ" давридан кейин қилинган ов одатга кўра уларнинг бош сонига, келгуси йил баҳорда берадиган наслига таъсир қилмайди. Бу қавсдан сўнг бемалол ов қилиш мумкин экан деганимас, албатта. Йиртқич ҳайвонларнинг ҳам табиатда ўз ўрни бор. кишиларнинг она табиатга шафқатсиз хуружи оқибатида нафснинг қурбонига айланган жониворлар кам дейсизми? Бунинг оқибати ўлароқ, айрим ҳайвон турлари кескин камайиб кетди. Унутмаслигимиз керакки, биргина қилинган кичик хато ҳам мудҳиш оқибатларни туғдириши мумкин.

"Қишлов – чорвага зўр синов", деган гап бор халқимизда. Зеро, чорва молларини қишдан бут ва соғлом олиб чиқмай туриб, уларнинг муваффақиятли "тўллаши" ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун чорвадорлардан талаб қилинадиган биринчи юмуш – чорва озуқасини ўз вақтида бериш. Буни яхши англаганлар аллақачон қишлик озуқани ғамлаб қўйганлар.

Қавс ойида хонаки ўсимликлар учун ҳам энг ноқулай давр бошланади.

-Аввало, гулларни етарли ёруғлик билан таъминлаш керак, - дейди тажрибали гулчи Риҳси Қосимова. – Бунинг учун гултувакларни дераза ёки ёруғлик тушадиган жойларга кўчириш лозим. Мабодо бунинг иложи бўлмаса, гуллардан 15-20 сантиметр баландликда махсус лампалар ёқиб қўйиш даркор. Айтиб ўтиш керакки, бу ойдан бошлаб гуллар кам сув талаб қилади.

Одатда қавс ойи қор ва қировли кунларга бой бўлади. Маслаҳатимиз: қишнинг бу кунларида соғлиғингизга эътибор беринг. Чунки, соғлом кишигина кумуш қишнинг мафтункор зийнатини ҳис этади.

**Саид РАҲМОНОВ**

# НАЖОТ - МЕҲНАТДА, ТАДБИРКОРЛИКДА

**МУАММО**

***Бу хонадонда бўлган кишининг назари даставвал томорқага тушиши тайин. Чамаси 7 сотих ерни эгаллаган экинзорни бегона ўт босган. Мевали дарахт тугул ток ҳам йўқ. Не-не умидлар билан тикланган ҳавозалар бўм-бўш. Томорқага кириб оёқ боссангиз унинг намчил экани сезилади.***

-Еримизни зах босган, - дейди шу ҳовлида яшовчи Ҳабиб Жўраев. – Бир неча йилдан буён аҳвол шу. Томорқадан бир кило ҳам ҳосил ололмаймиз. Дарахту токларимиз қуриб қолди. Помидор, сабзи эксак уруғ яккам-дуккам униб чиқади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай сарғайиб сўлади. Меҳнатимиз зое кетади.

-Рўзғорга картошка, пиёз, мева-чевани қаердан оласизлар? – дея ўсмоқчилаб сўраймиз Ҳабибдан.

-Бозордан сотиб оламиз, - дейди у.

Қишлоқда яшаб туриб барча нарсани бозордан харид қилиш йигитга жуда оғир ботаётгани шундоқ сезилиб турарди.

-Қўни-қўшнилар-чи? Уларда аҳвол қандай?

-Ҳамсояларда ҳам шу ҳолни кўрасиз, - дейди саволимизга жавобан у. – Аҳмад ака Сафоев деган қўшнимиз бор. Ердан зах чиқавериб ҳатто хом ғиштдан қурилган молхонаси дарз кетди. Уни бузишга мажбур бўлди. Ҳув, нариги қўшнимиз Ғулом аканинг, мана бу томонда яшовчи Холида опанинг томорқаларини ҳам зах босган. Улар ҳам худди бизга ўхшаб экин экишади-ю аммо шўр дастидан ҳосил олишолмайди.

Ҳа, Ғиждувон тумани Сармижон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Мирзаён қишлоғида яшовчи бу хонадон эгалари ҳам зах балосидан анчадан буён азият чекишяпти.

-Шу яқин-атрофдаги баъзи ҳовлиларда томорқаларни зах босиб, ердан ҳосил олиш имкони бўлмаётганидан хабаримиз бор, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Бозор Ражабов. – Жумладан, Оқгул қишлоғида яшовчи баъзи фуқаролар бизга шу муаммо юзасидан мурожаат ҳам қилишди. Ўз навбатида биз "Агросуғурта" ташкилотининг тумандаги бўлимидан кўмак, маслаҳат сўрадик.

Маълум бўлишича, мазкур ташкилот билан томорқа эгалари ўртасида ихтиёрий суғурта шартномаси тузилганида хонадон эгаларига суғурта қопламаси тўлаш масаласи ҳал бўлур эди. Афсуски, кўплаб томорқачиларга ўхшаб мирзаёнлик ва оқгулликлар ҳам мол-мулк ёки экин ерларини суғурта қилдириш афзалликлари ҳақида етарли тушунчага эга эмаслар.

Йиғин котиби Оқгул қишлоғини бежиз тилга олмади. Дарҳақиқат, бу қишлоқда ҳам ерости зах сувлари юқорига кўтарилиб, томорқа экинлари, ҳосилга кирай деб турган мевали дарахтларнинг қуриб қолиш ҳолатлари кузатиляпти. Баъзи фуқаролар қўшимча томорқасига экин экавериб ҳафсаласи пир бўлаёзди. Шўрхок, қамишзорга айланган ерларни кўриб бу майдонларда бир пайтлар сабзавот экинлари, пахтадан дурустгина ҳосил олинганига ишонмайсан, киши.

Шу қишлоқлик қарияларнинг эслашларича, ўтган асрнинг 50-60-йилларида бу ерда етиштирилган сабзи, помидор, турли кўкатлар Шофиркон, Ғиждувон, Вобкент бозорларини тўкин этган. Гаждумак ва унга ёндош қишлоқларнинг қулай ва серҳосил ерда жойлашгани томорқа хўжалиги ривожига имкон яратган.

Сабаб ва оқибат ёнма-ён яшайди. Ерости зах сувлари юқорига кўтарилишининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Мана бир неча йилдирки, электр энергияси билан ишловчи қудуқлар яроқсиз ҳолда ёки қаровсиз ётибди. Илгари, аниқроғи, сув танқис бўлган йилларда пахта майдонлари, томорқаларни суғоришда шу қудуқлар асқотар эди. Натижада ўз-ўзидан ерости зах сувларининг экин ерларига хуружи хавфи ҳам йўқоларди.

Тўғри, ернинг шўрланишига олиб келган объектив сабаблар ҳам йўқ эмас. Масалан, Оқгул қишлоғидан оқиб ўтувчи ариқ бир пайтлар катта магистрал йўл остидан Қорабошга, ундан нарёғи Шофиркон тумани қишлоқларига бориб етган. Ҳозирда эса ариқдаги сув қишлоқ чеккасигача оқиб бора олади, холос. Бу эса қишлоқ аҳлига қимматга тушаяпти. Чунки эҳтиёждан ортиқча сув қўшимча томорқаларга бориб қуйилгани-қуйилган.

Хўш, муаммонинг ечими борми? Бор, албатта. Фикримизча, шу қишлоқлар яқинидан чуқур қилиб зовур қазиш ва сув қудуқлари (насосларни) ишлатиш зарур. Ана шунда ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Бухоро давлат университети олимларининг фикрларича, суғориладиган ерлардаги сувнинг деярли 80 фоизи об-ҳаво иссиқлиги боис буғланиб кетади. Натижада тупроқдаги тузлар ён томонга эмас, аксарият ҳолларда бўйлама, яъни юқорига кўтарилади. Бинобарин, ерларнинг шўрланиб зах босишига олиб келадиган ҳолатларга қанча тез чек қўйилса, шунча яхши. Чунки бугун томорқаларга хуруж қилган зах эртага ўнлаб гектарни эгаллаган пахтазору буғдойзорларга ҳам хавф солиши тайин.

-Зах деган бало ёмон экан, - дейди оқгуллик Ибод ота Сафаров. – Икки жуфт бодом эккандим. Қовжираб қолди. Эссиз, набираларим ризқи эди-я...

Отахоннинг куйинганича бор. Бир ниҳол ўсиб ҳосилга киргунча гўдак улғайиб "Алифбе"ни ўқишга киришади. Зах деган офат эса неча йиллик меҳнатни ҳавога совуриб ниҳол умрига завол бўлаяпти. Бинобарин, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақида бугун ўйлаш лозим. Токи хайрли ишга кечикмайлик.

**Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Самарқанд ўрмон хўжалигида бугун 40 турдан ортиқ дарахтлар ўстирилмоқда. Шу йилнинг ўзида ўрмонлар 60 гектарга кўпайди. 10 гектар ердаги кўчатзорда эса сосна, туя, можевелник, кимарис сингари ёғочи харидоргир дарахт ниҳоллари кўпайтирилаяпти.**

**СУРАТДА: ўрмончи Нажмиддин Нарзиев ҳамкасби Собир Кулбоев билан келгусидаги ишларни режалаштирмоқда.**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ олган сурат.

# КАРТОШКАНИ ҚАНДАЙ САҚЛАГАН МАЪҚУЛ?

**БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ**

***Картошка кундалик ҳаётимизда кўп ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотидир. Уни маълум муддат сақлашда ўта эҳтиёткорлик билан иш тутиш лозим.***

Акс ҳолда етарлича аҳамият берилмай сақланган картошканинг сифати бузилиши, ҳаттоки заҳарли воситага айланиши ҳам мумкин. Уни қиш-қировли кунларда ҳам бенуқсон сақлаш учун қуйидаги оддий амалдан фойдаланишни маслаҳат берамиз.

Картошкани сақлашдан олдин у яхшилаб сараланади: бироз заҳаланган, чириган, заркунандалар зарарлаган, яшил тусга кирган картошкаларни тезда ишлатиб юбориш лозим. Булардан бошқа сараланганлари эса шамоллатиб қуритилади. Агар хонадонингизнинг ҳовлиси бўлса, картошкаларни одатга кўра ўраларда сақлаган маъқул. Ўранинг чуқурлиги бир-бир ярим қулоч бўлиши керак. Унинг ичи имкон борича қуруқ тупроқли, яъни заҳ бўлмаган, шунингдек қудуқ, кўлмакли ариқлардан узоқроқ бўлган жойлардан қазилиши мақсадга мувофиқ. Иложи бўлса ўра кунгураси оҳакли эритма билан пуркалиши ёхуд супурги билан шаппатиланиши мумкин. Бу амалдан сўнг ўра ичи яна қуритилиши керак. Агарда ўрага исириқ тутатилса, яхши сақлашга янада яхшироқ шароит яратилади. Чуқурнинг пастки қисми ва ёнларига сомон солиниб, картошка тўкилади-да, устига тахминан 5-10 сантиметр қалинликда қуруқ тупроқ ёки қум ташланади. Одатда совуқ тушадиган пайтда ўра устига сомон, қамиш, хазон тўшалиб, намликдан муҳофаза қилинади.

Картошка сақланадиган ўраларга хлорофос каби кучли кимёвий воситаларни сепмаслик зарур. Чунки заҳарли кимёвий моддалар ўрадаги маҳсулотга сингиб, инсон саломатлигига хавф солиши мумкин.

Хўш, кўпқаватли биноларда картошкани қандай сақлаш мумкин? Бундай шароитда картошка ойнавонлик хоналарда (балкон), тирқишли ёғоч қутиларда устма-уст қўйилиб, тахлаб қўйилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, картошка туганакларига қуёш нурлари мутлақо тушмаслиги керак. Акс ҳолда картошкаларда "салонин" деб аталувчи ўта заҳарли моддалар ҳосил бўлади ва маҳсулот яроқсиз ҳолатга келади.

**М.НАБИЕВ**

# САЙЁҲЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Б.Хидирова). Мутахассислар фикрича, келажакда ўлкамизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқими кенгаяди.***

Бу эса хорижлик меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, янги меҳмонхоналар қуриш, мавжудларини замонавий талаблар даражасида қайта таъмирлаш ва соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлашни тақозо этади. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг шу мақсадда ташкил этилган халқаро туризм факультетида тўрт йўналишда мутахассис тайёрланяпти.

Мазкур университетда туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларига оид масалаларга бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида шу хусусда сўз юритилди. Тадбирда соҳа истиқболлари, меҳмонхоналар хизмати турларини кенгайтириш имкониятлари ва мутахассислар тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга доир масалалар муҳокама этилди.

## ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР, ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТОРЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли "2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги ҳамда 2003 йил 13 августдаги 350-сонли "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига асосан Давлат мулки қўмитаси **"OSIYO FOOD"** ҳамда **"Урай"** акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги 25 фоиз давлат улуши акция пакетларини сотиш бўйича 2003 йил 26 декабр соат 11-00 да танлов савдоси ўтказилишини маълум қилади.

-**"OSIYO FOOD"** ҳамда **"Урай"** акциядорлик жамиятларининг 25 фоиз давлат улушини сотиб олиш бўйича танлов савдоларида иштирок этиш учун сотилиши белгиланган акция пакетларининг бошланғич баҳосидан беш фоиз (**"OSIYO FOOD"** акциядорлик жамияти акция пакети бўйича 3214,0 минг сўм ёки 3299,55 АҚШ доллари, **"Урай"** акциядорлик жамияти акция пакети бўйича 404205 сўм) миқдорида Қўмитанинг ҳисоб рақамига кафолат маблағи тўлаш;

**Қўмита ҳисоб рақамлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент шаҳар бошқармаси, Ҳисоб касса маркази (21508000500600289001, МФО 00014, ИНН 201122696 махсус ҳисоб рақами ёки 21508840000600289002, МФО 00014, ИНН: 201122696 махсус валюта ҳисоб рақами).**

*-сотилиш белгиланган 25 фоиз акция пакетини сотиб олиш учун энг юқори баҳони таклиф қилиш;*

*-акциядорлик жамиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича бизнес-режа тақдим этиш;*

*-акциядорлик жамиятининг бюджет ва бюджетдан ташқари кредиторлик қарзларини, шу жумладан эркин муомаладаги валюта қарзларини қоплаш;*

*-акциядорлик жамиятини қисқа (1-3 йил) муддатда янги технологик ускуналар билан жиҳозлаш ва молиявий аҳволини янада яхшилаш бўйича қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;*

*-хорижий корхоналар учун уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинганлигини (легализация қилинганлиги) тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим қилиш.*

**Танлов савдосида иштирок этувчи сармоядорлардан таклифлар 2003 йил 25 декабр соат 18-00 гача қабул қилинади.**

*Ўтказиладиган танлов савдолари шартлари бўйича қуйидаги манзилга, яъни 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитасига 139-22-50, 139-20-66, 139-21-81 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.*

## УВАЖАЕМЫЕ ИНВЕСТОРЫ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛИ!

**ГИФ "Давинком" совместно с Республиканской биржей недвижимости информирует о выставлении на биржевые торги государственных активов (паев, долей) приватизированных предприятий.**

| № п/п | Наименование организации | Регион | Стартовая цена |
|---|---|---|---|
| 1. | "Самарқанд-дарвоза нон" | г.Ташкент | 167056,2 тыс.сум (171503,3 долл.США) |

**За подробной информацией обращаться по телефону:**
**ГИФ "Давинком": 132-07-32; 133-27-19. Факс: 133-27-19 Республиканская биржа недвижимости: 136-26-26; 136-28-75. Факс: 136-06-17**


МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ



***ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА "СВИФТ" ХАЛҚАРО ТЎЛОВ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАҲОННИНГ ИСТАЛГАН НУҚТАСИГА ЗУДЛИК БИЛАН ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.***

*Барча турдаги ўтказмалар энг қулай тариф асосида амалга оширилади. Пул ўтказмаларингизни Халқ банкининг барча филиалларида амалга оширишингиз мумкин.*

ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН:
(3712) 78-84-38


# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ҲАРБИЙЛАРНИНГ ХАТОСИ

***АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистоннинг Қобул шаҳри яқинидаги қишлоқларнинг бирига ҳужум уюштирди. Бундан кўзланган мақсад "Толибон" ҳаракати раҳнамоларидан бири Мулло Ёзгир яширинган уйни вайрон этиш эди.***




Ўққа тутилган уйлар остидан 10 кишининг жасади топилган бўлиб, улардан тўққиз нафари ёш болалардир. Лекин улар орасида Мулло Ёзгир топилмаган. Бу воқеадан кейин Афғон халқи АҚШ ҳарбий кучларига нисбатан ўз норозиликларини намойиш этишди. Афғонистон ҳукумати фожиа тафсилотини ўрганиб чиқишни АҚШ ҳарбий қўмондонлигидан талаб этди. Оқибатда шу нарса маълум бўлдики, Мулло Ёзгир 10 кундан буён қишлоқда бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар разведка бўлимида мавжуд бўлган. Шунга қарамай АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари маъмурлари бунга жиддий эътибор қаратишмаган. Натижада эса тинч аҳоли жабр кўрган.

Шу йилнинг ёз ойларида ҳам худди шу қишлоққа ҳаводан Б-52 бомбасининг ташланиши оқибатида ўнлаб тинч аҳоли ҳалок бўлган эди. Шу каби далилларни эътиборга олган БМТнинг Афғонистондаги вакили Лекдар Брохими ҳаво ҳужумини уюштирганларни жиноий жавобгарликка тортишни АҚШ ҳукуматидан талаб қилди.

## ҚИРОЛИЧА СОҒ-САЛОМАТМИ?

***Буюк Британия қироличаси Елизаветта II ни яна бир жарроҳлик амали кутмоқда.***



Шу йил бошида ҳазрати олияларининг чап оёғи операция қилинган эди. Бу сафар унинг ўнг оёғининг тиззаси даволанади. Қироличанинг даволовчи шифокори эфир орқали чиқиш қилиб, мамлакат аҳолисига 77 ёшли Елизаветта II нинг аҳволи яхши эканлиги ва кутилаётган операция унинг соғлигига ҳеч қандай таҳдид солмаслигини маълум қилди.

## ОЛОВ ИЧИДА ҚОЛГАН БОЗОР

***Ёқутистон ўлкасидаги йирик усти ёпиқ бозорларнинг бирида кучли ёнғин содир бўлди.***



Ўт ўчирувчилар ёнғин содир бўлган жойга етиб келишганда аланга бутун иншоотни қоплаб олган эди. Оловни бартараф этиш учун кураш 5 соат давом этган. Жабр кўрганлар йўқ. Лекин иншоот умуман яроқсиз ҳолга келган. Жиноят қидирув бўлимининг тарқатган хабарларига кўра, ёнғин атайлаб уюштирилган ҳам бўлиши мумкин.

## ҚУРБОНЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

***Ставрополь ўлкасида Минвода-Кисловодск йўналиши бўйича ҳаракатланаётган электричкада содир этилган портлаш оқибатида ҳалок бўлганлар сони 45 кишига етди.***



Пайшанбага ўтар кечаси Пятигорск марказий шифохонасида яна тўрт жабрдийда оламдан ўтган, дея хабар беради "Интерфакс" ахборот агентлиги. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай ҳалок бўлганлар сони кундан-кун ортиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, теракт оқибатида 32 киши воқеа жойида ҳалок бўлиб, 150 нафар инсон оғир яраланган эди. Портлашни камикадзе-террористлар амалга оширган бўлиб, уларнинг шахси ҳали аниқланмаган, лекин чечен миллатига мансублиги тасдиқланган.

## МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

***Янги Грузия ҳукумати Аждария автоном ўлкаси билан алоқаларни яхшилаш учун ҳаракат қилмоқда.***




Грузияда президентлик вазифасини вақтинчалик бажариб турган Нино Бурджанадзенинг Аждария раҳбари Аслан Абашидзе билан музокаралари ҳамон давом этмоқда. Кеча Бурджанадзе Аждария пойтахти Батумига Абашидзе билан бир неча соатлик учрашув ўтказиш учун ташриф буюриш ниятида эканлигини маълум қилди. Учрашувда – 2004 йил 4 январ Грузияда бўлиб ўтиши режалаштирилаётган президентлик сайлови ва Аждария автоном ўлкасининг Грузия тасарруфида қолиш-қолмаслиги масаласи муҳокама қилинади. Шунингдек, ушбу музокаралар чоғида президентлик сайловини қайси кунда ўтказишни Аслан Абашидзе билан аниқ келишиб олиш ҳам муҳим масала деб ҳисобланмоқда. Бунга сабаб Аждария ўлкасининг раҳбари бундан бир қанча муддат илгари мазкур сайловни бироз олдинроқ ўтказишни талаб этган эди. Эндиликда эса у сайлов муддатини кейинроққа чўзишни таклиф этмоқда. Нино Бурджанадзе журналистларга берган интервьюсида, агар зарур бўлса Батумига яна кўп бора ташриф буюриши мумкинлигини айтиб ўтди.

## НОБЕЛ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

***Навбатдаги Нобел мукофотини тақдим этиш маросими Швеция ва Норвегияда бўлиб ўтади.***



Маросимда қатнашиш учун бутун дунёдан икки мингга яқин иштирокчилар таклиф этилган. Улар орасида ушбу нуфузли мукофотнинг ўтган йилги соҳиблари ҳам ўрин олган. Янги номзодлар рўйхатида россиялик физик олимлар Алексей Абрикосов ва Виталий Гинзбурглар ҳам бор.

Нобел мукофотининг қиймати биргина физика йўналишида миллион доллар ҳисобланади. Ушбу мукофот уч номзод ўртасида бўлиб олинади. Икки рус физигидан сўнг учинчи номзод америкалик олим Леджетт ҳисобланмоқда.

**Интернет хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "Кулол-сервис" масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 170-64-79.

(Боши 1-бетда)

Қосим ака синчиклаб разм солди. Хотини айтганича бор, қўшниси пойдевор тахтасини сал ўтказиброқ ўрнатибди. Чарчоғи аламга айланди, лекин хотинига билдирмади.

-Сен боравер, ўзим гаплашаман, - деди хотинига. Хотини сал нарига кетиб, маккажўхори панасига ўтганича воқеанинг нима билан тугашини кузатиб турди. Эрининг бўшлигини билади, инсофсиз қўшнисига индамай, қўл силтаб қўявериши мумкин-да.

Томорқа тарафдаги шовқинни эшитган Шокир тоғанинг қораси кўринди.

-Ассалому алайкум, ҳожи ака, - босиқлик билан сўрашгани қўлини узатиб борди Қосим ака. – Ҳорманг энди?

Шокир тоға алик олиб, қўшнисидан гап кутди. Кўнгли ниманидир сезгандай эди.

-Тинчликми? – сўради Қосим ака кўзи билан пойдевор ўрнига имо қилиб.

# ҚЎШНИЛАР

-Ўзбекнинг қўлига пул тушса, ё бўш вақти бўлса қурилиш қилади-да, - деб узоқдан келди Шокир тоға. – Узумни сотдик, пулига уйларни ўнглаб, телва-тешикни ямаяпмиз-да. Қувват борида болаларга қарашмасак бўлмайди.

-Жуда яхши-да, - маъқуллади Қосим ака, - шу...

Тилини учида турган гапнинг уёғини айта олмади. Ўзидан ёши катта, бунинг устига ҳожи одамга таъна қилишга юзи чидамади. Бир ёғи қўшничилик. Лекин... гапнинг нишабини Шокир аканинг ўзи бурди.

-Боя хотининг жавраятувди, бизни томонга ўтиб кетибсиз, деб. Ана, қара, ўртадаги бўш турган жойга қоқдим тахтани, девор тўғрироқ чиқсин деб. Бир-икки қадам ақка-бақка бўлгандир, шуни хотинингга қўшилиб талашгани чиқдингми?! Ё шу девор ўрнида ҳам экин эксанг, сенга берай...

Қўшнисининг охирги гапи Қосим аканинг жон-жигаридан ўтиб кетди. Хотинининг гапига кирган ўзи аҳмоқ. Қўшниси оғир гап қилиб қўйди, ахир. Гапирса гап чувалашадиган. "Хоҳлаганича олмайдими!" деган ўйда ўзини аранг босиб:

-Бўпти-да, - деди можаро кучайиб кетмасин, ортиқча кўнгилхўллик бўлмасин, деган ниятда, - оқ соқолингиз ҳурмати, шуни эп кўрибсиз, қилаверинг!

Шокир тоға жойида серрайиб, соқолини қашлаганча пойдевор ўрнига термулиб қолди. Қосим ака эса шарт-шарт юриб уйи томонга ўтиб кетди. Энди унинг кўнглига ҳеч қандай гап сиғмасди. Авзойини кўрган хотини ҳам тили учида турган гапини ичига ютди. Энди нима бўлишини ҳам билади. Эри Саттор "аттор"никидан ичиб келиб, саҳаргача гум тушиб ётади...

Йўқ, Қосим ака ўша "зорманда"ни ичиб келди-ю, гум тушиб ётолмади. Уйқусини йўқотган эди. Эски сўрида у ёғидан бу ёғига ағдарилаверди. Бир неча марта оғир уф тортганини ичкарида болалари билан ётган хотини эшитиб, сиқилди.

"Одамзоднинг кўзи тупроққа тўлмагунча ерга тўймас экан-да!" фақат шу ўрим-йиғим Қосим ака хаёлини банд этган эди...

-Таъзияга, Ботирали аканикига! – Азонда маҳалла бўйлаб Сиддиқ сартарошнинг баланд овози янгради. Дарров маълум бўлди. Маҳалла бошида турувчи Ботирали аканинг табаррук ёшдаги онаси оламдан ўтган экан.

-Инсон умри шу-да, - ўзига ўзи гапирди Қосим ака, - туғилади, ер талашади, кейин бир куни ернинг тагига кетади. – У шоша-пиша чорсисини боғлади. Бошидаги дўпписини кафтига бир-икки қоқиб яна кийди. Остона ҳатлаб кўчага чиққанда кўзи шу томон келаётган қўшниси Шокир тоғага тушди. Сўрашишиб, марҳум чиқариладиган хонадон томонга жадал кетишди...

Жанозадан сўнг тобутни кўтаришга ижозат бўлди. Ёшлар олдинига катталар учун йўл беришди. Қосим ака тобутнинг бир томонини кўтарди. Беихтиёр кўзи тобутнинг ён томонини кўтариб кетаётган Шокир тоғага тушди. Етти қадамча юрилгандан сўнг лопиллаб бораётган тобут қўлдан-қўлга ўтиб кетди.

Уйга қайтгач Қосим ака ҳовли ортидан тешанинг тахтага тақ-тақ урилаётган овозини эшитди. "Оббо" деди-да, секингина ҳовли томонга ўтиб қаради. Қўшниси, Шокир тоға пойдевор тахталарини ўзи томонга силжитаётган эди...

**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ДАРЁГА АЙЛАНАЁТГАН ИРМОҚЛАР

(Боши 1-бетда)

Спорт олами фақат фидойи одамларни суяди. Фидойи бўлмаган одам ҳеч қачон бу сафда тура олмайди. Ана шундай жонкуярлар бугун Андижоннинг ҳар томонида бор. Айтайлик, Сергей Михайлов билан Тўлқин Турғуновларнинг катта рингга йўли қишлоқ мактабидан бошланган. Армия сафидан қайтган Тўлқин Хўжамбердиев бундан 20 йил аввал чамаси қадрдон қишлоғи бўлмиш Қорасувда ўз маблағи ҳисобига бокс тўгараги очди. Дастлаб 3-4 болани маҳалла чеккасидаги майдонда қўлига қўлқоп кийгизиб, жангга туширган. Т.Хўжамбердиев олдига келадиганлар сони кўпая бошлади. Маълум муддат ўтгач, боксни жон дилидан севадиганлар сараланиб қолди. Ана ўша ҳаракатчан ва тиришқоқ болалар орасида Сергей ва Тўлқин ҳам бор эди. Бу вақт ичида болалар анча тобланишди. Шундан сўнг, Тўлқин Хўжамбердиев умидли шогирдларини Андижон шаҳридаги Олимпиада ўринбосарлари билим юртига, Валентин Золоторёв ҳузурига олиб келди. Қарангки, ҳар иккиси синов шарти билан ўқишга қабул қилинишди. Ўша вақтда Валентин Антонович болалардаги интилишни пайқамаганда эди, улар тақдири не кечарди?

Бахт ва омад ҳамиша ёнма-ён. Шу билан бирга ота-онанинг фарзандига муносабати ҳам алоҳида эътиборга молик масала. Айтайлик, Муҳаммадқодир ва Ўткирбекни бокс секциясига отаси, Руслан Чагаевни эса онаси етаклаб келган. Муҳаммадқодирни рингга биринчи қадамидан то ҳозиргача отаси кузатиб келади. Ўткирбек Ҳайдаров рингга чиқадиган кунлари марҳум дадаси ўз ишидан жавоб олиб келарди. Ота-онанинг қўллаб-қувватлови эса уларнинг устозларга бўлган ишончидан далолат. Шундан бўлса керакки, Валентин Антонович шогирдлари билан бирга ишлаганда ана шу жиҳатларни ҳам эътибордан соқит қилмайди.

Шу йилнинг ёзида Андижонда "Баркамол авлод" спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Мазкур ўйин дастурида бокс бўйича беллашувлар ҳам ўтказилди. "Андижон" теннис маркази спорт кошонаси бир ҳафта давомида томошабинлар билан шу қадар гавжум бўлдики, улар орасида ёшу қари бирдек жангларни кузатишди. Ўша беллашувда Андижон бокс мактабининг кенжатойлари бўлмиш Рустам Жўрабоев, Жўрабек Мелибоев, Раҳмон Тошматов, Фарруҳ Тожибоев, Сарвар Жўрабоев ўз вазн тоифаси бўйича олтин медалга, Дмитрий Ли эса кумуш медалга сазовор бўлишди. Ана шундай ўринбосарлар борлиги учун андижонлик боксчилар жамоа ҳисобида ҳам ғолибликни қўлга киритишди. Шу ўринда бир гапни айтсак. "Баркамол авлод" ўйинлари чемпиони бўлган боксчиларнинг бири Хонободдан, иккинчиси Асакадан, бошқаси Пахтаободдан эди.

Ҳар йили Андижонда "Гуллар байрами" ўтказилади. Бу байрам асносида



қишлоқ ва маҳаллаларда ҳунармандлар, ҳаваскор санъаткорлар ва спортчилар ҳам танловларда иштирок этадилар. Улуғнор туманидаги Мингчинор қишлоғидаги байрамда энг ёш боксчилар рингга чиқишди. Уларга бош-қош бўлаётган устоз оддий мактаб ўқитувчиси. Мураббий имконият доирасида бокс секцияси ташкил қилибди. Кўргазма давомида байрам қатнашчиларининг нигоҳи ўша болаларда бўлди. Улар орасидан кимдир ёркин юлдуз бўлиб порласа, не ажаб? Бугун мана шундай кўнгилга умид берувчи беллашувлар ҳар маҳаллада, ҳар қишлоқда бўлиб ўтаяпти.

Валентин Антонович Андижонда бокс секциясига асос солган эди. Йиллар оша боксга ошно бўлганлар сони ҳам кўпая борди. Бугун дунёда донг таратган боксчиларни тайёрлашда устоз билан ёнма-ён Марс Кўчқоров, Александр Размахов, Лочин Кўчқоровларнинг хизматлари беқиёсдир.

От ўрнини той босади, дейишади. Андижонликлар иқтидорли боксчи Баҳодир Султоновга алоҳида меҳр билан қарашяпти. Оддий қишлоқ хонадонида туғилган Баҳодир эндигина 18 ёшни қаршилади. 54 килограмм вазнда рингга чиқаётган иқтидорли боксчи олимпиада ўринбосарлари билим юртида талабалигидаёқ тилга тушди. Ҳозирда Андижон Давлат университетининг иккинчи курсида ўқияпти. У 2001 ва 2002 йилларда Боку ва Гавана шаҳарларида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги дунё биринчилигида жаҳон чемпиони бўлди. Таиланд ва Ҳиндистонда ўтказилган йирик халқаро беллашувларда кумуш ва олтин медаллар соҳиби бўлган Баҳодир халқаро тоифадаги спорт устаси унвонини ҳам қўлга киритди.

Андижон бокс мактабининг эртаси бугунидан ёрқинроқ бўлишига ишонч катта. Вилоят спорт қўмитаси маълумотларига қараганда, ҳозирда 209 та бокс секцияси мунтазам фаолиятда. Уларда 3600 нафар болага 96 нафар мураббий бокс сирларини кунт билан ўргатишмоқда. Эътиборли жиҳати ана шу ёшларнинг кўпчилиги қишлоқ болалари. Бир вақтлар ота-оналар фарзанди келажагини ўйлаб уларни шаҳарларга етаклаб келишарди. Энди эса манзара тамомила бошқача. Болалар спорти ҳаракати қулоч ёйган сари қишлоқларда камол топаётган ўғил-қизлар кўнглида кўтарилиш мавж уряпти. Ана шу мавжланишни кузатсангиз, ўзбек спортини, жумладан бокснинг келажагини яққол кўз олдингизга келтира оласиз. Айни шундай кўтаринкилик ҳақида устозларга сўз очганимизда улар айтишдики, "ҳадемай бу ҳаракат мамлакат шуҳратига шуҳрат қўшадиган инсонларга қанот бўлади". Энг олис қишлоқдаги болакайнинг қўлига қўлқоп кийиб, дадиллик билан катта рингга чиқаётганлиги устозлар сўзига ҳамоҳанг эмасми?

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




Б.АКРАМОВ сурат-лавҳаси.

# SPORT OLAMIDA

## ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ

***Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионати мусобақалари ҳал қилувчи паллага кирмоқда.***

Мамлакатимиз терма жамоаси қатнашган "В" гуруҳи ғолибларидан бири испанияликлар Парагвай терма жамоасини 1:0 ҳисобида енгишди. Колумбия-Ирландия термалари баҳси ҳам жуда шиддатли кечди. Аввалига ҳисобни европаликлар очишганди. Кейинчалик эса улар ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юборишди. Ўйин охиригача томонлар яна биттадан гол киритишиб, ўйинни 3:2 ҳисобида колумбияликлар ўз фойдасига ҳал этишди. Бирлашган Араб Амирликлари ва Австралия футболчилари беллашувида меҳмонлар дарвозабонини бир марта хато қилишга мажбур этган мезбонлар муҳим ғалабага эришди. Бразилияликлар Словакия терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида устун келди.



Чорак финалда Испания, Колумбия, БАА, Бразилия, Аргентина, АҚШ, Япония ва Буркино Фасо терма жамоалари мусобақаларни давом эттиришади.

## КУБОК ЭГАЛАРИ

***Қўл тўпи билан шуғулланаётган спортчилар ҳам жорий йилги мавсумни Ўзбекистон кубоги баҳслари билан якунлашди.***

Аввалига Наманган шаҳрида эркаклар, Олмаликда эса аёллар ўртасида мусобақалар уюштирилди. Эркаклар ўртасида Чирчиқ шаҳрининг "Танкчи" жамоаси кубок соҳиби бўлди. Олмаликда аёллар ўртасида кечган баҳсларда пойтахтнинг "Алгоритм" жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади**

## "ЛОКОМОТИВ" КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

***Футбол бўйича Европа клублари чемпионлар лигаси "В" гуруҳи баҳсларида Москванинг "Локомотив" жамоаси Лондонда "Арсенал"га 2:0 ҳисобида ютқазганига қарамай, 1/8 финалга чиқишга муваффақ бўлди.***

Бунга "Динамо" (Киев) - "Интер" (Милан) билан 1:1 ўйнагани ёрдам берди.

Шундай қилиб ушбу гуруҳдан 10 очко жамғарган Арсен Венгернинг "Арсенал" ва Юрий Сёминнинг "Локо"си баҳсларни давом эттирадиган бўлди.

## ЯПОНЛАР ТЕНГСИЗ

***Санкт-Петрбургда дзюдо бўйича мукофот жамғармаси 250 минг АҚШ долларини ташкил этган Президент кубоги мусобақалари якунланди.***

Финалда Россия ва Япония курашчилари беллашишди. Мезбонлар таркибида бир қатор турнирлар ғолиблари ҳисобланган Александр Михайлин ва Тамерлан Тменов каби юлдузлар бўлишига қарамай, кубокни японлар қўлга киритишди. Ҳал қилувчи баҳсда кунчиқар юрт вакиллари 7:5 ҳисобида ғалаба қозониб, ушбу турнирдаги умумғалаба сонини иккитага етказишди. Эслатиб ўтамиз, япон дзюдочилари 2001 йилги баҳсларда ҳам устун келишган эди.



**Интернет хабарлари асосида**
**Ф.АБИЛОВ тайёрлади**

# ТЕМУР ЙЎЛИ

***Зарафшон дарёсининг қўш кокили – Оқдарё ва Қорадарё соҳиллари бўйлаб жойлашган юзлаб қишлоқларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Синчиклаб ўрганилса, улар халқимизнинг қадим, мубҳам ҳаётидан ёрқин ҳикоялар сўзлайди.***

Қорадарёнинг чап томонида, Паст Дарғом туманининг Гўзалкент ҳудудида Темур йўли номи билан аталувчи қишлоқ бор. Ҳозирги ёшлар қишлоқ номини ХХ аср бошларида шу яқиндан ўтказилган темир йўлга алоқадор бўлса керак, деб ўйлашади. Аслидачи?

Тарихдан хабардор кишилар билан суҳбатлашсак, бу ердан буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темур кўп бора ўтганлигини, Самарқанду Бухоро оралиғидаги асосий йўллари Қорадарё бўйлаб кетганлигини, қишлоқнинг номи соҳибқироннинг муборак излиридан ёдгорлик эканлигини айтишади. Бундай фикрлар баъзи мунозарали саволларнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади: масалан, Самарқанд билан Бухоро оралиғида, шу йўналишда юзлаб қишлоқлар бўлган-ку, нега энди айнан Гўзалкентдаги қишлоқ Темур йўли деб номланиб қолган?

Қишлоқда бўлиб, кекса отахонлар билан суҳбатлашдик. Улкан жарликлар билан ястаниб ётган дарё соҳилларини айландик. Ва ҳайратли бир синоатга дуч келдик: дарё соҳиллари бўйлаб, ниҳоятда улкан қабристон жойлашган экан. Шу ерда савоб учун хизмат қилиб юрган Мардон ака Қиличевнинг айтишича, ҳудуди 60 гектардан зиёд қабристон Ошиқ ота номи билан аталаркан. Ошиқ отанинг кимлигини, қачон яшаб ўтганлигини ҳеч ким билмайди. Эл оғзида юрган ривоятларга кўра Аллоҳнинг чин ошиғи, кароматли авлиё - Ошиқ ота Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратлари авлодидан бўларкан. Нақшбандий ҳазратлари авлодиданлигини бунёд этилган қадимий мақбарадан ҳам англаш мумкин. Қабристоннинг кенглиги унинг бир пайтлар юз гектардан ҳам зиёд майдонни эгаллаганидан дарак беради. Боиси эса аниқ: Авлиё ота қабристонига дафн этишларини васият қилганлар кўп бўлган. Ҳозир ҳам бу ерга кўплаб қишлоқлардан, ҳатто дарёнинг нариги соҳилидаги Миёнқол оролидан ҳам майитлар келтирилиб қўйилмоқда.

**ҚИШЛОҒИНГИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?**

Қабристон ёнидаги масжидга намозхонларнинг тўпланиши, Ошиқ ота қабрини зиёрат қилишга қўшни республикалардан эътиқодмандларнинг келиб туриши, сўнгги йилларда туман ҳокимлиги томонидан бу ернинг обод этилганлиги қуйидагича эҳтимолли хулосалар чиқаришимизга асос бўлади: Ошиқ ота чиндан-да авлиё бўлганлар. Шу туфайли ҳам авлиёларни юксак қадрловчи Амир Темур бу ерга кўп бора келганлар. Ана шу қадамранжидалар юзлаб кентларнинг эмас, айнан шу ердаги қишлоқнинг Темур йўли деб ном олишига сабаб бўлган.

Бу бизнинг қувваи ҳофизамиз доирасидаги фикрлар, албатта. Илмий хулосалар чиқариш, Ошиқ отанинг ким бўлганлигини, қачон яшаб ўтганлигини, шажарасини, жаҳонгир бобомизнинг ул зотга муносабатларини аниқлаш эса қадимшунос тарихчиларимиз, исломшунос олимларимиз олдида турган савобли ишлардан биридир.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# УЙҚУДАГИ ЧОЙХЎРЛИК

***Киши уйқусида юрса, ҳатто фаолият кўрсатганига гувоҳ бўлсангиз ёқа ушлаб, ҳайратдан донг қотишингиз ҳеч гапмас. Маълумотларга қараганда, ер куррасида мавжуд миллионлаб кишилар уйқусида юра бошлайдилар. Бундайлар аҳолининг тахминан 2,5 фоизини ташкил этаркан. Жумладан, 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларнинг 10-15 фоизи уйқусида камида бир марта юрганини кузатиш мумкин.***

Уйқусида юриш доимо тунги қаттиқ уйқуда юз беради. Мия фаолиятида тушунарсиз тарзда рўй берадиган адашиш инсонни қаттиқ уйқудан қисман уйғониш ҳолатига ўтказиб юборади.

Сомнабулизм (уйқусида юриш ва гапиришнинг илмий номи) ҳақидаги афсоналар қачон тўқилгани номаълум. Аммо шифокорларнинг бундай кишилар ҳақидаги ҳукми аниқ ва ҳаммага маълум.

Булар бемор одамлардир. Одатда уларнинг бош мия фаолияти оқсайди. Баъзан миянинг чайқалиб лат ейиши бундай ҳолатнинг пайдо бўлиши учун кифоядир. Шифокорларнинг шаҳодатича, уйқусида юриш, яъни лунатизм мустақил касаллик эмас. У бошқа касаллик симптомидир. Ўсмирлик палласидаги кучли чарчоқ ҳам болаларда ана шундай ҳолатни пайдо қилиши мумкин. Одатда тунда юрган болалар уйғонгач, ҳеч нарсани эслай олмайдилар. Лекин улар симда, томларда юришади, йиқилишмайди, деган гаплар афсонадан бошқа нарса эмас. Баъзан сомнабулизмни Ой билан боғлайдилар. Лекин бундай ҳолатнинг Ойга алоқадорлик томони деярли йўқ.

Руҳшунос Елена Козлованинг фикрича, ҳамма нарсани Ойга тақаштириш ортиқча. Лунатиклар ҳиссиёти жуда кучли кишилар ҳисобланади. Уларни даҳолар дейиш мумкин.

Кадимда лунатиклар уйқу чоғида чуқур транс (миянинг карахт бўлиши) ҳолатини кечирадилар, деб айтишган. Бундай ҳолатга тушган одамлар ўзларини медиум (ахборот етказувчи) сифатида намоён этадилар. Улар орқали ахборот ақл буткул тўхтаган пайтда ўтади. Шунинг учун ҳам лунатиклар ҳеч нарсани эслай олмайдилар, уйқу пайтида нима деганларини, нима ёзганликларини, қаёққа ва нима учун борганликларини кўпинча айтиб бера олмайдилар. Лунатизмни даволаш эмас, балки равнақ эттириш лозим. Шундагина бу заковат, яъни ахборот жарчиси бўлиш фахмланган бўлади.

**ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ**

Ўрта асрларда лунатикларни тасма ва темир занжирлар билан боғлаб қўйишган, уларни сақлаш учун махсус қафас шаклида темир кроватлар ясашган. Шундай қилсак, биз бу бахтсиз кишиларни тунда улар билан учрашмоқ учун келадиган жинлардан, шайтонлардан сақлаган бўламиз, деб қаттиқ ишонишган. Лунатикларга ёрдам кўрсатишнинг бундай қўпол шакллари кўпинча фожиага олиб келган. Бемор, тўғрироғи, маҳбус кўп ҳолларда ақлдан озган. Черков уйқусида юрадиган эркакларни жодугар, аёлларни эса алвасти, деб бадном қилган.

Минскда яшовчи бир аёл кунимга яраб қолар, деган ният билан ўз жамғармасига 100 АҚШ доллари сотиб олиб, уни кроват бошидаги курсичага яшириб қўйди. Ётиш олдидан унинг хаёлига пулни эрталаб бошқа ишончлироқ жойга яшириш лозим, деган фикр келди. Тонг отгач, у пулни курсичадан олмоқчи бўлди. Аммо пул қаёққадир гумдон бўлганди! Бу пайтда у хонадан ҳеч қаерга чиқмаган, унинг олдига ҳам бирон киши кирмаган эди... "Пулни қаерга қўйдим экан?", деб аёл бутун уйни ағдар-тўнтар қилди. Аммо пул топилмади. Орадан бир ой ўтгач, аёл уйқудан тураётиб, курсича эшигини очди. Унинг кўзлари курсича ичидаги 100 долларга тушди. Маълум бўлишича, Ольга лунатик экан. Ўша куни уйқу олдидан у бир китобни ўқиб чиққан. Китобда бош қаҳрамонни ўғрилар тунашгани ёзилган бўлиб, Ольга бундан қаттиқ таъсирланган. Ахир у ҳам пулидан айрилган эди-да! Афтидан мана шунинг таъсирида у кечаси ўрнидан туриб, пулни сомнамбул ҳолатда қўйган жойидан олган. Табиийки, эрталаб у ҳеч нарсани эслай олмаган.

Германиядаги оилалардан бирида юз берган лунатизм ҳолати ундан-да қизиқ. Оила ота-она, буви ва икки боладан иборат бўлган. Оила аъзолари уйга кечқурун қўйилган буюмларнинг ҳар куни эрталаб ўз ўрнида эмас, балки бошқа жойда ва бошқа ҳолатда туришидан ҳайрон бўлишган. Бунинг сабабини аниқлаш учун қилинган тахминларнинг чеки йўқ эди. Тунларнинг бирида бутун оила болалардан бирининг эҳтиётсизлиги оқибатида тўнтариб юборган стулнинг тарақлашидан уйғониб кетди. Оила аъзолари бир-бирларини меҳмонхонадаги катта стол атрофида ўтирган ҳолатда кўриб, роса ҳайратланишди. Оила аъзоларининг ҳаммаси уйқусида юрадиган одамлардан экан. Улар ҳар куни кечаси уйғонмай, ой шуъласининг ёруғида стол атрофида ўтириб чойхўрлик қилишар экан...

**Маннон НАБИЕВ,**
**олим.**

**ЭҲТИЁТ-ШАРТ**

# ГРИПП – ЮҚУМЛИ ХАСТАЛИК

***Грипп энг хавфли юқумли касалликлардан бири. У бозорлар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган жойларда тез тарқалади. Касаллик бемор фойдаланган дастрўмол, сочиқ, идиш-товоқ ва бошқалар орқали ҳам ўтиши мумкин.***

Касаллик тўсатдан бошланади, одамнинг эти увишади, ҳарорати кўтарилади, оёқ-қўллари оғрийди, дармонсизланади. Беморнинг пешонаси ва қошқовоқ тепаси қаттиқ оғрийди. Бели, аъзойи бадани қақшайди. Беморнинг умумий аҳволида томоқ оғриғи, бурни битиб қолиши кузатилади. Кўпинча у йўталади, аксиради, терлайди. Баъзан уйқу босади, бўшашади, алахсийди.

Грипп билан оғриган беморлар бошқа оила аъзоларидан ажратилиб, идиш-товоқ, сочиқларини алоҳида қилиб қўйиш керак. Бемор ётган хона эса тез-тез шамоллатилади. Бемор ишлатган сочиқ, дастрўмол ва идиш-товоқлар эса қайнатилади. Гриппга чалинган бемор албатта тиббиёт ходимлари томонидан назорат қилиниши ва даволаниши шарт. Шунда беморда ҳеч қандай асорат қолдирилишига йўл қўйилмайди. Тиббиёт ходимининг кўрсатмаси бўйича беморга аскорбин кислотаси, интерферон сингари дори-дармонлар билан даволаниб, кўпроқ суюқлик, лимонли чой ва витаминларга бой бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишга тавсия этилади.

**Улуғбек ЭРГАШЕВ,**
**шифокор.**

# ТРАНСЛЯЦИЯНИНГ "ТИЛСИМИ" ҚАЧОН ЕЧИЛАДИ?

***Шу кунларда бутун дунё футболсеварларининг нигоҳи Бирлашган Араб Амирликлари яшил майдонларида ўтаётган футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги мусобақаларига қаратилган.***

Виктор Борисов бошчилигидаги мамлакатимиз ёшлар терма жамоасининг ҳам ана шу нуфузли турнирда дебютант сифатида иштирок этаётгани эса кўнгилларни шод этди. Спортда, хусусан, футболда шундай – маманаман деган жамоалар ҳам ҳали ўйин услуби нотаниш бўлган "янги"лардан доимо чўчишади. Ўзбекистон терма жамоасининг кейинги йилларда футболи тез ривожланиб бораётган "қора" қитъа вакиллари – малилик футболчилар билан деярли тенг кураш олиб боргани, охир-оқибат 3:2 ҳисобидаги мағлубияти ҳам мухлисларимизни унчалик ранжитмади, дейиш мумкин.

Қолаверса, жамоамизнинг аргентиналиклар билан 1:2 натижани қайд этиши спортчиларимизнинг БААга шунчаки саёҳат ёки очко улашиш учун боришмаганини кўрсатади. Аргентина термаси дарвозасига тўп киритишнинг ўзи бир хурсандчилик. Шунингдек, футболчиларимиз испанларга ҳам муносиб қаршилик кўрсатишди. Аммо афсуски, минглаб футбол ишқибозлари ўйин тафсилотларидан тўлиқ баҳраманд бўлишолмади. Чунки бу учрашувлар ТВ орқали намойиш этилмади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда чиққан "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзтелерадиокомпания тасаррруфида "Спорт" телеканалининг очилиши миллионлаб спорт шинавандаларини қандай шод этган бўлса, айнан шу ҳужжат эълон қилингандан сўнг Таиландда миллий терма жамоамизнинг Осиё чемпионати саралаш учрашувлари ТВ орқали намойиш этилмагани ёшларимизнинг БААдаги ўйинлари олиб кўрсатилмаётгани худди шундай ранжитмоқда.

**МУЛОҲАЗА**

-Ёшларимизнинг жаҳон биринчилигидаги ўйинларини орзиқиб кутгандик, мадҳиямизнинг жаранглаши, байроғимизнинг майдон узра ҳилпирашини кўришни хоҳлардик, - дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Пахтачи тумани етакчи мутахассиси Абдусаттор Шарипов куюнчаклик билан. – Шундай нуфузли чемпионатдан тузукроқ репортажлар олиб берилмаганлиги таассуфланарлидир.



Ёшларнинг жаҳон биринчилиги бошланган кундан буён безовта мухлисларнинг таҳририятимизга мурожаатлари кўпайиб кетди. Ҳаммани битта савол қизиқтиради: Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг ўйинлари нега олиб кўрсатилмаяпти? Газетхонларимизнинг саволларига лозим жавоб бериш учун Ўзтелерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари Низомиддин Маҳмудовга қўнғироқ қилдик.

-Ҳар қандай спорт мусобақалари трансляцияси бевосита маблағга боғлиқ, - дея изоҳ берди Н.Маҳмудов. – БААда ўтаётган ўйинларни олиб кўрсатишнинг иложини тополмадик – маблағ йўқ. Қолаверса, техник имкониятларимиз ҳам чекланган.

-Биз шу вақтгача хориждан трансляциялар бермаганмиз. Мусобақаларни асосан бошқа каналлардан кўчириб олиб кўрсатардик, - дейди Ўзтелерадиокомпания спорт студияси бош муҳаррири ўринбосари Сафармат Сафоев. – Ўзаро шартнома бўлмагач, БААдан келадиган сигналлар кодлаштириб қўйилгани боис ҳозир ўтаётган биринчиликни ёзиб олишнинг ҳам иложини қилолмаяпмиз. Эртага "Спорт" телеканали очилгандан сўнг ҳам бу муаммо жиддий таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ҳозир концепция ишлаб чиқаяпмиз. Унга асосан хориждаги мусобақаларни ўзимизнинг ижодий гуруҳларимиз бориб, суратга олиб келишади.

Хуллас, телевидение имкониятларининг торлиги сабаб, ёшларимизнинг БААдаги иштирокини кузатиш орзуга айланди. Жаҳон чемпионатига оид аниқ тафсилотлар билан энди терма жамоамиз ва мураббийларимиз билан суҳбатлашгач, газетхонларни хабардор қиламиз деган умиддамиз.

**Мақсуд АКРАМОВ**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-64-461; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-0021, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди:

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com